

**IMPROVING THE FINANCIAL MANAGEMENT SYSTEM OF RAIL TRANSPORT**

Kushakova Mamura Narimanovna  
Senior Lecturer of the Department of Accounting  
Tashkent State Transport University

Salimov Ilhom Ikromovich  
Student of Tashkent State Transport University

**ABSTRACT**

This article assesses the methods of financial management of railway transport in the country's economy and their role, as well as the models and problems of management of regional transport systems. Also, statistical analyzes of modern methods of transport and logistics management, freight traffic and cargo turnover by type of transport were made and compared. In addition, ways to develop the activities of logistics services in railway transport have been melted down.

**Keywords:** railway transport, transport and logistics infrastructure, modes of transport, railway carriers, freight traffic, transit corridors, railway highways.

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ  
ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ**

Кушакова Мамура Наримановна  
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси катта ўқитувчиси  
Тошкент Давлат Транспорт университети

Салимов Илҳом Икромович  
Тошкент Давлат Транспорт университети талабаси

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётида темир йўл транспортининг молиявий бошқариш усуллари ва уларининг роли баҳоланган, ҳамда ҳудудий транспорт тизимларини бошқариш моделлари ва муаммолари ўрганилган. Шунингдек, транспорт-логистика тизимини бошқаришнинг замо

навий усуллари, транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси бўйича статистик таҳлиллар қилинган ва таққосланган. Қолаверса темир йўл транспортда логистик хизматлар фаолиятини ривожлантириш йўллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** темир йўл транспорти, транспорт-логистика инфратузилмаси, транспорт турлари, темир йўлда юк ташувчилар, юк айланмаси, транзит йўлаклар, темир йўл магистрალი.

Темир йўл транспорти корхоналари бевосита ташиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатганлиги боис, йўловчиларни ёки юкларни ташиш хизматларини кўрсатиш, хизмат кўрсатишдан тушган даромадни тан олиш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Йўловчиларни ташиш билан боғлиқ чипталарнинг сотилиши даромад келтирилишини англамайди. Сабаби хизматлар аниқ, реал кўрсатилиши керак. Шундагина даромад тан олинади. Аммо, мазкур жараёнда ҳам хизмат кўрсатиш умумий яъни, бир вақтнинг ўзида бир неча кишидан бир неча юзлаб шахсларга амалга оширилганлиги, чипталар қайтарилиши каби ҳолатлар бўлганлиги боис, хизматлар таннархи ва улардан тушадиган даромадни олдиндан ёки хизмат амалга оширилган куннинг ўзида аниқлаш имконияти йўқ.

Шу боис, темирйўл транспорти корхоналарида даромадларни тан олиш масаласи ҳам тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, турли тартибда амалга оширилади. Жумладан, темирйўл транспортида юк ташишда даромадларни тан олиш юкни охириги манзилга етказиб бериш, чегарагача етказиб бериш, аламашинув пунктигача етказиб бериш орқали тан олиниши мумкин. Шу билан бирга даромадларни тан олиниши нафақат темирйўл орқали ташиш билан боғлиқ бўлиб, темирйўл транспорти линияси тугаган жойдан охириги манзилгача автомобиль транспортига юк алмашилиши орқали етказиб берилиши ҳам мумкин.

Бундан кўринадики, даромадларни тан олиш юк ташиш билан шуғулланиш билан боғлиқ тушумларни ҳам комплекс ҳисобини ташкил этиш зарурияти мавжуд. Бунда даромадларни тан олиш механизмини ишлаб чиқишда хизматларнинг алоҳида турлари бўйича тан олиш мезонларини белгилаш лозим.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида транспорт инфратузилмасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур соҳа фаолиятини такомиллаштириш вазифалари Жаҳон транспорт ва логистика тизими (The global transport and logistic system) томонидан амалга оширилади. Жаҳон банки гуруҳи маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,2 трлн. АҚШ доллари (6,8%) ҳажмида баҳоланиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этади[1].

Шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири транспорт тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ва халқаро савдонинг ривожланиши шароитида ички ва ташқи бозорлардаги юқори рақобатбардошлик, транспорт тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиш даражаси билан белгиланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, йўловчи ташиш умумий темир йўл транспортининг 20,0 % ини, шу жумладан, тезюар поездлар ҳозирги кунда фақат 1,0% ни ташкил этади – (Ҳиндистон ва Японияда йўловчи ташиш миқдори бўйича юк ташиш ҳажмидан ошади). Жаҳон темир йўллариининг 2 трлн. йўловчи-км йўловчи айланмаси мамлакатлар бўйича қуйидагича тақсимланади: Япония ва Европа – 370-380 млрд. йўловчи-км; Ҳиндистон ва Хитой - деярли 300 млрд. йўловчи-км; бошқа мамлакатлар – 200 млрд. йўловчи-км.[2]

Жаҳонда темир йўл транспорти юк ташиш жараёнларида юк оқимларини ташкил этиш ва бошқариш технологияларини ривожлантириш етакчи ўринни эгалламоқда. Бу борада, темир йўл хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашнинг яхлит тизимини шакллантирувчи усуллардан бири автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиш

тизимини такомиллаштиришдир. Бунда, юк ташиш жараёнларида ҳужжатларни автоматик равишда расмийлаштириш техник воситаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш усулига боғлиқ равишда ҳужжат айланишининг оптимал вақтни аниқлаш имкониятини берадиган технологик жараёнларининг математик моделлаштириш усуллари ишлаб чиқиш, EDI алоқа каналларидан транспорт ҳужжатлар шаклини ягона электрон платформа орқали узатиш технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳужжатлар айланиши жараёнида электрон рақамли имзолаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.[3]

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришга ва унинг инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларда темир йўл транспорти тизимининг алоҳида ўрни бор. Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясида «...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш фаолиятини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини ошириш вазифалари белгилаб берилган».[4]. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади

Темир йўл транспорти мамлакатимиз транспорт тизимининг асосини ташкил этиб, унинг ягона транспорт тизимида етакчи ўрин эгаллайди. Темир йўлнинг давлат, халқ хўжалик ва мудофа қувваатидаги ўрни бениҳоя. Ҳозирги мустақил ривожланиш ва бозор муносабатларига ўтиш даврида темир йўлларнинг роли мунтазам ошиб бормоқда. Темир йўллардан аҳолининг ва халқ хўжалигининг ташишларга бўлган барча эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, ташишни юқори сифат билан ўз вақтида бажариш талаб қилинади. Ташишларга бўлган буюртмаларни биров кечиктириш ҳам корхоналарнинг нормал ишлашига жиддий зарар келтиради, хўжаликни шартномавий асосларда муқим юрғатишни издан чиқаради.

Темир йўл транспорти фаолиятини тадқиқ қилаётганда ва уни ривожлантириш дастурларини амалга оширилишида ҳал қилинадиган вазифаларини аниқ белгилаб олиш керак, яъни темир йўл тармоғининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва ҳудудлар, аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш ва транспорт таъминоти самарадорлигини ошириш ҳисобига қўшимча ҳажмдаги йўловчи ва юкларни ташишни жалб қилиш;

- юк ташиш ва йўловчи ташиш йўналишларида ишлаб чиқариш хавфсизлигини ва ишончлилигини ошириш ҳамда бир маромда фаолият юритилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашуви ва автоматлашувини ривожлантириш, иш шароитларини яхшилаш;
- эксплуатация ҳаражатларини камайтириш, аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишда транспорт хизматлари сифатини туширмасдан меҳнат унумдорлигини ва фондлар қайтимини ошириш ҳамда юк ташиш тарифларини пасайтириш учун замин яратиш;



- юк ташиш жараёнини бошқаришни ривожлантириш мақсадида ахборот тўминоти тизимини ривожлантириш, маркетингдан кенг фойдаланиш ва темир йўл транспорти фойдаланувчиларининг ахборот олиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш;
- инновацион жараёнларни жадаллаштири асосида ресурсларни тежовчи техник восита ва технологияларни жорий қилиш, янги авлод ҳаракатланувчи таркиблари билан таъминлаш

Юқорида айтиб ўтганимиздек темир йўл соҳаси томонидан амалга оширилаётган фаолиятнинг серқирралиги, тизимни ривожлантиришда инвестиция омилини муҳимлигини таъкидлайди.

Шунингдек, темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан яна бир афзаллиги атроф-муҳитга кам зарар етказиши, унинг юк ва йўловчилар ташиш қобилияти жуда юқори бўлиб, об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай мунтазам равишда ҳаракатда бўлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўллариининг умумий узунлиги 6950,0 км.дан ортиқ ни (01.01.2020 йил ҳолатига) ташкил этиб, шундан 2500 км. электрлаштирилган. Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича иқтисодчи олимларни фикрларини ўрганиб чиқиб, улар асосида тадқиқотимизни олиб бордик. Транспорт-логистика инфратузилмасини самарали бошқариш, унинг мазмуни ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўрганган бир қатор олимлар транспорт-логистика инфратузилмасини бошқариш бўйича турли хил фикрларни билдирганлар. Д. Бауэрсоннинг фикрича, анъанавий усулларга нисбатан юк ташувларини ташкил этишнинг афзаллиги ва иқтисодий самарадорлиги масалаларини киритган ҳолда мультимодал ва интермодал юк ташувларини ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга муаллиф, транспорт тармоқлари, транспорт воситалари ва транспорт компаниялари ўз ичига олган транспорт-логистика инфратузилмасини алоҳида қайд этади

А.Л.Носов, ҳозирги шароитда халқаро транспорт-логистика тизимларининг ташкил этилиши ва мақбул фаолият юритиши муаммолари тадқиқ этилади. Халқаро қатновларда аралаш ташқи савдо ташувларини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишларини кўрсатган ҳолда аралаш юк ташувларини ривожлантириш истиқболлари алоҳида таъкидлайди.[7] С. М. Резер, ўз ишида ўзгаришлар шароитида минтақавий транспорт тизимларини бошқариш моделлари ва муаммолари кўриб чиқилган. Мамлакат ишлаб чиқариш-транспорт тизимида транспорт турларининг ўзаро таъсир усуллари, транспорт ишлари бозорини прогнозлаш методологияси ва магистрал йўл транспортида юклаш ишларини режалаштириш принциплари тўлиқ таҳлил этган.

Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, транспорт соҳасининг ривожланиши иқтисодий ривожланишга тўғридан-тўғри таъсирга эмас. Жумладан, Бугроменко (2003) инфратузилмани ривожлантиришни таъсири йўқ деб ҳисоблайди. [9] Берешманнинг (2001) таъкидлашича, иқтисодий фаровонлик тўғридан-тўғри транспорт соҳасидаги имтиёзларга боғлиқ. Буларга транспортдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, йўловчилар учун чипталар нархини пасайтириш, транспорт қатновини кўпайтириш, зарарли моддалар, чиқиндиларни камайитириш ва интермодал транспортни кўпайтириш киради.

Лакшмананнинг таъкидлашича, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва транспорт хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам берадиган барча нарса юкларни ташиш нархининг пасайишига ва турли товар бозорларига киришининг ошишига олиб келади. Экспорт имкониятларининг ўсиши ишлаб чиқаришни ва сотишни кўпайтиришга, компанияларнинг ишлаб чиқариш линияларини қайта ташкил этишга, янги таъминот занжирларини яратишга ва маҳсулот таннархини пасайишига олиб келади. Унинг фикрича, юкларни ташиш нархининг пасайиши бозорларга кўпроқ киришга олиб келади, меҳнат бозорини кенгайтиради. (Lakshmanan va Andersen, 2002)

Баъзи Иқтисодчилар эса, транспорт этилишини аҳамиятини кўрсатиб, —Турли мамлакатларнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда, биз иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича умумий кўрсатмаларга эътибор қаратишимиз мумкин: асосий мақсад — ўз саноатимиз ва компанияларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун дунё миқёсидаги рақамли инфратузилмани шакллантириш, шунингдек, давлат ташкилотлари, бизнес ва жамоатчиликни рақамли маконга оммавий жалб қилиш (Попов ва Семячков, 2018).

Рақамли иқтисодиётни транспорт соҳасига жорий этишнинг иқтисодий аҳамияти хусусида Жунусов (2018) қуйидагича фикр билдиради: —Транспортни рақамлига айлантириш соҳасида асосий вазифа турли бозор субъектларининг транспортни ташкиллаштириш ва амалга оширишда технологик уланишини таъминлашдир. —Рақамли транспорт иқтисодиётнинг ўзига хос инфратузилмаси асоси бўлиб. Ўзаро боғлиқ тизим ва комплексларнинг ўзаро боғлиқлиги, транспортни бошқариш технологиялари ва транспортнинг турларини ва транспорт бозори иштирокчиларини бирлаштирадиган ягона транспорт ва технологик жараённи бошқариш учун ягона ахборот тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Транспорт тизимини ривожлантириш муаммоларини таҳлил этиш билан шуғулланган миллий ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, индикатив, танланма кузатув, таққослаш, иқтисодий статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташилган юк турларининг 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари ёғоч юклари (259,0 %), дон ва ёрмалар (121,8 %), турли рудалар (120,4 %), кўмир (110,4 %) ва нефть юкларида (107,1 %) кузатилди. Шу жумладан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан кўрилганда пахта толаси (36,6 %), қурилиш юклари (81,3 %), қора металл парчалари (88,7 %), қора металллар (89,0 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (93,9 %), цемент (95,4 %), картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар (97,2 %) камроқ жўнатилгани кузатилди. Темир йўли транспортида ташилган жами юк ҳажмида энг юқори улуш турли рудалар (9,3 %), нефть юклари (9,1 %), кўмир (7,2 %), цемент (6,5 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,7 %), бошқа юкларга (50,9 %) тўғри келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки ўзига хос транспорт таркибига эга, денгиз ва океанлардан узоқда, Европа ва Осиё

мамлакатларининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимларини, айниқса темир йўл линияларини ривожлантириш масаласи доимо долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз шимолдаги ва жанубдаги ҳамда ғарбдаги ва шарқдаги давлатларни боғлаб турувчи халқаро истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Зеро мамлакатнинг транзит потенциали унга мазкур лойиҳаларда қатнашишга устуворлик беради. Шу билан бирга мамлакатимизда темир йўл инфраструктурасини янада ривожлантириш, йўналишларни электрлаштиришни жадаллаштириш, тезюарар поездлар қатнови географиясини кенгайтириш билан бирга мамлакат ҳудудлари доирасида ҳам ўзаро алоқадорликни янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Муайян транспорт тузилмалари ўртасида ҳамда ҳар бир транспорт тури доирасида йўловчи ташувчилар ўртасидаги рақобат кураши йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг такомиллашуви жараёнига кучли туртки берди. Сервис сифати ва даражасининг ошиши ҳаракатланадиган таркибнинг ҳозирги техник жиҳозланишида, йўловчиларга қулай ва шинам шартшароитлар яратилишида, транспорт воситалари бортида йўловчиларнинг дам олиши ташкил этилишида, йўловчиларни овқатлантириш сифатининг ошишида, транспорт компанияларининг доимий мижозлари учун рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилишида намоён бўлмоқда. Йўловчи ташувчилар транспортда болалар ва ногиронларга, шунингдек бошқа тоифа йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича махсус тадбирларни амалга оширмоқдаларки, бу йўловчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун имконият яратмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда транспорт географиясини хусусан темир йўл транспортини мавжуд ҳолатини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш, баҳолаш ва прогнозлаш, янги линиялар заруратини ўрганиш, ўзини оқламаётган линияларни аниқлаш олдимизда турган вазифалардандир. Бунга эса темир йўл транспорти географиясини иқтисодий районлар кесимида таҳлил қилиб чиқиш ва уни мамлакат миқёсида умумлаштириш орқалигина эришилади. Зеро, иқтисодий географиянинг бош тамойилларидан бири ҳам масалани ҳудудий ёндошган ҳолда ўрганиш ва мажмуавий тарзда умумлаштиришдан иборатдир.

Маълумки, турли соҳа ва тармоқларда узоқ муддатли активларнинг ўрни ва аҳамияти турлича бўлади. Чунки, фаолият йўналиши ҳамда узоқ муддатли активлар билан ишлаш тартиби, улардан фойдаланиш даражасига қараб, ҳисоб юритишда ҳам алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Биргина асосий воситаларга қўлланилаётган у ёки бу усулнинг тўғри танланиши ўша йўналиш ёки соҳанинг маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига сезиларли таъсир кўрсатиши билан бирга асосий воситаларни янгилаш, таннархга таъсирини минималлаштириш бўйича чораларни кўришга олиб келади.

Бу борада мамлакатимиз ва хорижий олимлар ўзларининг илмий тадқиқотлари ва ишланмаларидан турли муносабатларни билдириб ўтганлар.

Асосий воситалар ҳисоби турли тадқиқот ишларида турли йўналишда тадқиқ қилиниб, фикр мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Тадқиқотчи К.Хомитов томонидан машина ва ускуналарни баҳолашнинг ўзига хослиги мавжудлиги туфайли машина ва асбоб-ускуналар қийматини баҳолашнинг умум қабул қилинган услубиётини ишлаб чиқиш зарурияти асосланган.



З.Маматов ва С.Салоҳиддиновлар корхона асосий воситаларини доимий равишда қайта баҳолаб боришни доимий ташкил этишни, қайта баҳолаш барча актив сифатида тан олинган асосий воситалар бўйича ўтказилишини, асосий восита объектларини қайта баҳолаш кундаги ҳақиқий қиймат бўйича қайта баҳолашни тавсия этишади.

## REFERENCES

1. Khasanov, B. A., Eshboev, U. T., Hasanova, R. B., Mukumov, Z. A., Alikulov, A. I., Djumanova, A. B. (2019). Calculation of the invested capital profitability in the financial condition analysis process. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 28(14), 42-48.
2. ISMATULLAYEVA, N. N., DJUMANOVA, A. B. (2021). ROLE AND FUNCTIONS OF TAX ACCOUNTING. *ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ*, 11(77), 9-11.
3. Джуманова, А. Б., Игамбердиева, К. Э. (2021). МЕХАНИЗМ ВЛИЯНИЯ АМОРТИЗАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ НА ПОКАЗАТЕЛИ ЭФФЕКТИВНОСТИ И ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ РАБОТЫ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА. *Экономика и социум*, 9(88), 338-344.
4. Djumanova, A. B., Bobomurodov, N. (2021). FEATURES OF THE ORGANIZATION OF MANAGEMENT ACCOUNTING AND ITS IMPACT ON ENTERPRISES. *Теория и практика современной науки*, 9, 3-7.
5. Джуманова, А. Б., Алимова, Ш. М. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЁТА УП" О'ЗТЕМИРҮО'ЛМАСҲТА'МИР". *Экономика и социум*, 5(1), 566-570.
6. Джуманова, А. Б. (2019). ФОРМИРОВАНИЕ УЧЕТНОЙ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ В СИСТЕМЕ КОНТРОЛЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ АО «УЗБЕКИСТАН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ». *Инновационное развитие экономики*, 5(3), 55-58.
7. Djumanova, A. B. (2019). THE ROLE OF INTRA-PRODUCTION ACCOUNTING IN THE MANAGEMENT SYSTEM OF ENTERPRISES OF JSC" UZBEKISTAN TEMIR YULLARI». *Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers*, 15(4), 57-61.
8. Джуманова, А. Б., Буртабаева, Б. А. (2019). ВЛИЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ КАК В РАЗВИТИИ И РОСТА ЛИЧНОСТИ ТАК И ЭКОНОМИКИ ГОСУДАРСТВА. *Мировая наука*, 4, 274-277.
9. Джуманова, А. Б., Юлдашева, М. М. (2018). ТРАНСФОРМАЦИЯ БУХГАЛТЕРСКОЙ ОТЧЕТНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ. *Теория и практика современной науки*, 5, 214-218.
10. Джуманова, А. Б., Кушакова, М. Н. (2018). СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ АО" УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ" НА ПЕРИОД 2015-2019 ГОДЫ. *Экономика и социум*, 10, 245-248.
11. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the Reliability of the Test form of Knowledge Control in Cluster Education. *Psychology and Education*, 59(2), 403-418.
12. Джуманова, А. Б., Игамбердиева, К. Э. (2018). ПОСЛЕДСТВИЯ БЕЗРАБОТИЦЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ. *Экономика и социум*, 10, 243-245.

13. Джуманова, А. Б., Кушакова, М. Н. (2018). РОЛЬ АО "ЎЗБЕКИСТАН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ. Экономика и социум, 10, 249-252.
14. Kushakova, M. N. (2020). Main directions of credit policy during the COVID-19 PANDEMY. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 1836-1839.
15. Kushakova, M. N. (2020). Financial planning problems in enterprises. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues, 8(5), 20-21.
16. Dzhumanova, A. B., Kushakova, M. N., Khodzhaeva, N. A. (2019). Formation of accounting management information in the control system of enterprises of JSC «Uzbekistan Railways. International Journal of Advanced Science and Technology, 28(14), 32-36.
17. Кушакова, М. Н. (2022). Анализ и методология управления обслуживающего персонала железнодорожного транспорта в республике. Экономика и социум, 1(92), 593-596.
18. Salimov, I. I., Kushakova, M. N. (2022). Analysis of the Problems of Innovative Development of the National Economy and Financial Stability of the Republic of Uzbekistan. International Journal of Innovative Research in Science Engineering and Technology, 11(2), 1603-1605.
19. Kushakova, M. N. (2022). Increasing the Efficiency of Logistics Management in Railway Transport. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal, 12(2), 342-346.